

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

ҚИШЛОҚ АҲЛИНИНГ ҚЎШАЛОҚ ТҶИЛЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуришмоқда. Лойиҳаларда иқлим шароити ва миллий турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда, уйларнинг қўқамлиги, катта меҳмонхона, айвон ва кенг ҳовлига эгаллиги яшаш учун ҳар жиҳатдан қўлайдир.

Чиноз туманидаги Ўзбекистон қишлоғи аҳолиси ҳам мустақиллигимизнинг 23 йиллиги ва ҳовли тўйларини янги уйларида нишонлашди. Шу кун 15 та уй эгаларига топширилди. Бу уйлари қуришда "33-хўжалиқларро механизациялашган кўчма колонна" масъулияти чекланган жамияти жамоаси жонбозлик кўрсатди.

Қаранг, юртимиз, вилоятимиз, чекка қишлоқларимиз ҳам қандай чирой очмоқда, дейди жамият раиси Аҳмадали Худойберганов. — Мана бу замонавий уй-жойларни мустақиллигимиз меvasи дегим келди. Бу уйлари ўзимизнинг қишлоқ йиғитлари қуришган. Ҳар бир ишчимиз малакали, қўли гул. Ёшларга тажриба ўстириш, қўли гул бўлиб боришади. Белгиланган лойиҳа асосида қурилатган уй-жойлар, капитал-реструкция қилинаётган ўқув бинолари учун замонавий, пишиқ ва чидам-



ли қурилиш материаллари танланади. Бу йил яна 10 та уй қурилишини якунлашимиз керак.

— Мен ҳам шундай уйлари бирини олишни мўлжаллаётман, дейди Каримжон Мақсудов. — Бундай уйларида яшашнинг гашти бўлак. Оила даврасида овқатланиш, меҳмон кутиш, ҳордиқ чи-

қариш, аёлларнинг рўзгор юмушлари билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир хонага алоҳида дахлиз орқали ўтилади, қўл ювиш ва кийим-кечакларни олиш учун махсус жой ажратилган. Сув, электр энергияси ва газдан муаммо йўқ. Тўғриси, уйлари кенг ва

ёруғлигини кўриб, ҳавасим келди.

Дарҳақиқат, қўқам ва шинам бундай уйлари қишлоқларимиз йилдан йилга чирой очиб, турмушимиз фаровонлашиб бораётганидан далолатдир.

Хурида НАЗАРОВА,
Даврон АХМАД
олган суратлар.



Мутахассис тавсиялари

ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ

Халқимизнинг пахта хирмони юксак бўлишини таъминлайди

Жорий йилда пахта хом ашёси етиштирувчи фермер хўжалиқлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги, уруғлик чигит, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида дала бошига етказилиб берилганлиги, сувдан оқилона фойдаланилганлиги, деҳқон фермерларимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига дала-ларда мўл ҳосил тўплани-

шига эришилди. Галдаги асосий вазифа фидокорона меҳнат ҳамда катта ҳарajat эвазига етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва сифатли йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишдан иборат.

Пахтани тез ва сифатли йиғиб-териб олиб, мавсумни муваффақиятли якунлаш кўп жиҳатдан йиғим-теримни тўғри таш-

кил этишга боғлиқ. Аввало, гўзада 45-50 фоиз қўсақлар очилган муддатда тавсия этилган дефолантлар билан сифатли қилиб дефолиация ўтказилиши шарт. Теримни бошлашдан аввал дала-лар кўздан кечирилади, сув йўллари, ариқлар қўми текисланади, пахта майдонлари бегона ўтлардан тозаланади.

(Давоми 2-бетда).

Коммунал хизмат

ШАРОИТДАН АҲОЛИ МАМНУН

85 ёшли қўшнимиз Рисолат момо:

— Бу дориламон кунларнинг қадрига етиш керак. Ёшлигимизда сув ташиб, шам, лампа-чироқ ёқиб, ўчоққа ўтин қалаб кун кечирардик.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида шаҳар ва туманларда, айниқса қишлоқ жойларида коммунал хизматлар сифати янги босқичга кўтарилиб, замонавий ускуна ва жиҳозлар ўрнатилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг қўлчилиги қишлоқ жойларда яшашини инобатга олсак, бу савий-ҳаракатлар моҳияти янада ойдинлашади. Чунончи, бу йил Оққўрғон туманида коммунал соҳада талайги-

Хозирги шарт-шароитлар тушимизга ҳам кирмаган. Жўрақни бура-санг иссиқ сув оқса, газ ловиллаб турса, электр чироқ нафақат уйинг, балки дилингни ёритса, — дейишни сира қанда қилмайдилар.

Шоҳрухия, Зарбдор, Оққўрғон, Тошовул ҳамда Элтамғали қишлоқлари аҳолиси электр таъминоти яхшиланганидан хурсанд. Энди улар соатга қараб: "Ана ўчади, мана ўчади" деган хавотирлардан қутулишди. Шу йилнинг ўзида 3,3 километр ҳаво тармоғидаги симлар замонавийсига алмаштирилгани таъминотдаги узилишларга чек қўйган бўлди.

(Давоми 3-бетда).

Нанкин — 2014

Шу йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида ёш спортчиларимиз Ватани-

миз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Улар орасида Тошкент вилояти ёшлари ҳам бор.

СПОРТЧИЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Чирчиқ шаҳрида ўсмирлар Олимпиадасида иштирокчиларини шарафлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий камолотида муҳим воситалардан бири сифатида спортни ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Нанкин Олимпиадасида ғолиб ва совриндор

бўлган спортчиларимиз орасида вилоятимиз ёшлари ҳам борлиги қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи Хуршид Тошпўлатов. — Эндиги вазифамиз 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ҳам спортчиларимизнинг муносиб иштирокини таъминлашдир.

— Фарзандларимизнинг нуфузли мусобақадан иштирокини ҳаяжон билан кузатиб бордик, уларнинг ютуғи энг улуг, энг азиз

байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб совға бўлди, — дейди Олег Пухнатий. — Мен спортчи сифатида эриша олмаган армонларимга ўғлим Артем ва у каби минглаб истеъдодли ёшларимиз эришишига, жаҳон майдонларида бундан-да юқори натижаларни қўлга киритишига ишонаман.

Тантанали маросимда ёш спортчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими А. Усмонов сўзга чиқди.

Ж. ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Маънавият

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ

Жамият кудратини оширадиган омиллардан бири аҳил-иттифоқликдир. У ўзаро ҳурмат, иззат-икром, ишонч ва меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар ғоят баланд мақомда эканини билдиради. Уруш-жанжал бўлган жойдан файз-баракат кўтарилгани каби, аҳиллик, иттифоқлик бор жойда файз барака, меҳр-шафқат бўлади.

(Давоми 2-бетда).

БАНК ХОДИМЛАРИ БИЛАН МАЪРИФИЙ УЧРАШУВ

"Қишлоққурилишбанк" вилоят бўлимида вилоят Маънавият ва тарғибот маркази, Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти билан ҳамкорликда маънавий-маърифий учрашув ташкил этилди.

Унда давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзuidaги халқаро илмий конференциянинг очилиш маросимидagi нутқи мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек:

"Жаҳон — кенг, дунёда юксак эътироф яна бир бор тилга олиниб, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқларнинг беқиёс аҳамияти тушунтирилди.

Саид ҲАСАНОВ,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



Буюк мерос ворисларимиз

САЛОҲИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Тошкент Давлат аграр университетида янги ўқув йили бошланиши муносабати билан "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик дарслари" бўлиб ўтди.

Илк сабоқларда Истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятлар хусусида атрофлича сўз юритилди. Халқимизнинг бой маънавий-маданий ме-

роси, асрлар давомида янада такомиллашиб, сайқалланиб келган илмий салоҳияти уларнинг жаҳон тамаддунига қўшган муносиб ҳиссаси ва аҳамияти алоҳида эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда).

ИҚБОЛИ БАЛАНД ЁШЛАР

Гулбаҳорнинг "Баҳор илҳами"

Гулбаҳор Рухиддинова Паркент тадбиркорлиги ва хизмат кўрсатиш қасб-хуна қоллежини битириб, Чукурсойдаги "Бай-текс" текстиль корхонасида иш бошлади. Уддабурон қиз қисқа муддатда хом ашёни тайёр маҳсулот ҳолига келтиргунча бўлган барча жараёни миридан-сиригача ўрганиб олди. Бир кун ишдан қайтган, ҳовлидаги дорға осилган болалар кийимига кўзи тушди. Дикқат билан разм солди. Матонинг сифати, ранги, либоснинг бичими, тикилиш услуби — ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот билан икки

томчи сувдек ўхшаш. Фарқ фақат ёрликда.

— Келиной, мана буларни ким олиб келди? — деб сўради янгасидан. — Мен.

— Қардан олдингиз, нархи қанча экан? — Бозордан олинган кийимларнинг нархини эшитиб, таажжуби икки қарра ошди. "Эсингизми, бунинг пулига ўзимизникидан беш-олтитабини олса бўларкан-а", деб ўйлади.

Шу воқеа сабаб Гулбаҳор кўпдан буён ўйлаб юрган режасини амалга оширишга киришди. Ўзининг шахсий жамғармаси ва уйдагиларнинг кўмагидан бир неча замонавий тикув дастгоҳи сотиб олиб, 20 нафар тикувчи-

бичувчи билан иш бошлади. Яхши ниятлар билан "Баҳор илҳами" деб ном берилган маъмур корхона маҳсулотлари бозорда дарров ўз харидорини топди. Мактабгача таълим муассасалари, шифоналардан ҳам буюртма туша бошлади. Хуллас, иш юришиб кетди. Оддий қишлоқ қизлари тайёрлаган трикотаж буюмлар бозорнинг олд маҳсулотларидан бирига айланди.

У ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулот миқдори ва сифатини ошириш борасида изланди. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этиладиган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" анъанавий танлови-

да қатнашди. Пухта ўйланган аниқ бизнес режа, қоллежда олинган билим ва "Байтекс"да орттирилган тажриба қўл келди. "Замонавий технологиялар асосида болалар кийимини ишлаб чиқариш" номили бизнес режаси аввал туман, сўнгра вилоятда энг яхши, деб тан олинди. Мамлакат босқичидаги ғолиблик унга имтиёзли кредит олиш имкониятини берди. Натижада хориждан яна 15 та тикув дастгоҳи келтириб ўрнатилди ва ишчилар сони 45 нафарга етди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши билан ходимлар манфаатдорлиги ҳам муттасил ошиб бормоқда.

Айни пайтда "Баҳор ил-

ҳами"да тайёрланаётган болалар ва катталар учун миллий бичимдаги замонавий кийим-кечаклар миқдорларга пешма-пеш етказиб берилаётди.

Дарвоқе, ўтган йили Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Гулбаҳорнинг оилавий корхонасига чет элдан бир гуруҳ ишбилармонларни олиб келди. Хорижликларга бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар маъқул келиб, ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

(Давоми 3-бетда).

